

I. ЖАҲОН СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВЕКТОРЛАРИ

Приоритетные векторы мировой политики

Priority Vectors of World Politics

ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНИШИНИНГ ДАСТУРИ

С.Сафоев

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Раисининг

биринчи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси барча жабҳаларида улкан ўзгаришларга ундайдиган дастурий ҳужжат бўлди.

Таниқли халқаро арбоб, иқтисодий ривожланиш ва самарали бошқарув соҳасида тан олинган Буюк Британиялик мутахассис Сума Чакрабарти фикрича, “ушбу маъруза Ўзбекистон маъмуриятидаги давлат бошқаруви ислоҳотининг биринчи, чинакам чуқур туб бурилишни белгиловчи мурожаат бўлди”. Белгиланган дастур, - дейди у, - иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар учун муҳим аҳамият касб этади.

* * * * *

Сўнги беш йил Ўзбекистонда мамлакат ривожланиши моделида туб ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистонда янги сиёсий ва ижтимоий муҳит яратилди. Инсонларда дахлдорлик ва масъулият ҳисси тобора кучайиб бормоқда.

Жаҳон тарихидан маълумки, чуқур тизимли ислоҳотларни бошидан кечираётган давлатларда, одатда, иқтисодий ўсиш кузатилмайди. Аммо Ўзбекистон амалиётида кенг кўламли сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар шароитида, яъни 2017–2021 йиллар мобайнида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 53 млрд доллардан 82 млрд долларгача кўпайди. Айни вақтда саноат ишлаб чиқариши 34 фоизга ўсди. Бу эса, иқтисодиёт тармоқлари

тизимида бўлаётган муҳим ижобий ўзгаришлардан дарак беради.

Солиқ ислоҳоти амалга оширилди, тадбиркорлик билан боғлиқ бюрократик қоидалар соддалаштирилди. Экспорт ва импорт учун божхона тўловлари камайтирилди ва натижада экспорт 1,5 баробар ошди. Хорижий инвестициялар 2017 йилдаги 2,4 млрд доллардан 11,1 млрд долларга етди.

Шу билан бирга, жамиятимиз модернизациясининг фақат дастлабки вазифалари амалга оширилди. Ислохотларнинг кейинги босқичи, шубҳасиз, янада мураккаб, фундаментал сиёсий ва иқтисодий ислохотларни илгари суриш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлади.

Давлат раҳбари ўз Мурожатномасида таъкидлаганидек, “мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак”.

* * * * *

Биринчи навбатда, бу маъмурий ислохотларни, ихчам ва самарали давлат бошқаруви тизимига ўтишни талаб қилади.

Давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ошириш – бу ҳар бир давлат олдида турган муаммо ва у ўзгариб бораётган янги шароитга мосланишни англатади.

Мамлакатимиз каби чуқур ислохотларни бошидан кечираётган давлатларда ушбу жараён давлат ҳокимияти ва бошқаруви тамойиллари ўзгаришини талаб қилади.

Яъни маъмурий ислохотлар нафақат вазирлик ва идоралар сонини камайтириш ҳамда давлат хизматчилари сонини қисқартиришни англатади. Масала чуқурроқ – гап барча даражадаги ҳукумат органларининг ўрни ва аҳамиятини, ваколатлари, функциялари ва миссиясини тубдан қайта кўришдан иборат. Айнан шу “қўл бошқаруви”дан аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш жараёнининг мазмун-моҳиятини англатади.

Шу ўринда бошқарув тизимини экстенсив эмас, балки интенсив ривожлантиришни таъминлаш асосий мақсад ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, маъмурий менежментнинг янги шакллари, воситалари ва

усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш ҳисобига у кам ходимлар билан кўпроқ вазифаларни бажаришга қодир бўлиши керак. Шу муносабат билан давлат хизмати механизмига электрон ҳукуматни тўла жорий этишни жадаллаштириш долзарб масаладир.

Давлат хизмати органлари фаолияти «проактив», яъни муаммолар келиб чиқишининг олдини оладиган стратегик мақсадларга эришишга йўналтирилган ташаббусли бўлиши керак.

Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш давлат органлари фаолиятини баҳолашга ёндашувнинг тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Инсон ҳаёти даражасидаги реал тенденциялар, аҳоли ва бизнесга юқори сифатли «ижтимоий хизматлар» кўрсатилиши, барқарор инсон тараққиётига эришиш, динамик иқтисодий фаолият учун зарур бўлган қулай ҳуқуқий, институционал муҳит яратиш давлат органлари фаолияти самарадорлигининг индикаторлари бўлиши керак. Макроиқтисодий индекслар эмас, балки одамлар ҳаётининг сифати иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичлари бўлиши лозимлиги эътироф этилиши керак.

Бунинг асосини давлат идоралари ходимларининг ҳуқуқий мақомини, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, ҳуқ-атвор кодексини белгилаб берадиган давлат хизмати тўғрисидаги қонунчилик ташкил қилиши керак. Унда номзодларни танлаш тизими принципларини, ўқиш ва малака оширишга қўйиладиган талабларни, хизмат пиллапоялари бўйлаб лавозим ошиши тартиби ва изчиллигини мустаҳкамлаб, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиб, давлат хизматчиларини таснифлаш, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишда изчил иш олиб боришни таъминлайдиган кадрлар сиёсати алоҳида бўлимни бағишлаш зарур.

Барча даражаларда давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ҳукумат институтларининг ўзининг «ички иши» эмас. У ёки бу масала бўйича қарор лойиҳасини тузишдан бошлаб унинг ижроси мониторингини олиб боришгача — барча босқичлар ва даражаларда — очиқлик, ошкоралик, транспарентлик, ижтимоий экспертиза ва фуқаролик жамияти назорати зарур.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш ҳам унинг ҳокимият органлари билан ўзаро муносабатларида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши учун жуда муҳимдир.

* * * * *

Ватанимиз атроф-теварагида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро майдонда мамлакатимиз миллий манфаатларини илгари суриш учун қулай ташқи муҳит яратиш мамлакатимиз тараққиётини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Бугун инсоният ниҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Халқаро муносабатларда ўзаро ишонч камайиши, қарама-қаршилик ва можароларнинг ортиши барқарорлик ҳамда ривожланишга жиддий хавф солмоқда. Ер юзида иқлимнинг кескин ўзгариши, сув ва бошқа табиий ресурслар камайиб бориши билан боғлиқ муаммолар глобал хатарларга айланмоқда.

Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бирига айланмоқда, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан бошланган янгиланган ташқи сиёсатнинг муваффақиятли амалга оширилиши туфайли Ўзбекистон минтақавий давлат мақомини ишонч билан қўлга киритаётганини яққол намоён этди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон ташқи сиёсат фалсафасини, мустаҳкам тамойилларга асосланган ишончли ва фаол дипломатияни изчил олиб бориш учун стратегик масъулиятини қайта англаб олиши заруратини тақозо этади.

Ўзбекистон учун бу, биринчи навбатда, янги глобал ва минтақавий воқеликни ҳамда қўлга киритилган янги мақомини ҳисобга олган ҳолда ташқи сиёсатини жиддий тизимли қайта кўриб чиқиш лозимлигини англатади. Ташқи сиёсат мақсадларига эришишнинг инновацион механизмларини аниқлаш, хатар ва дивидендларни ҳисоблаб чиқиш, тезкор ўзгариш ва жавоб чораларини кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан, биринчидан, Ўзбекистон дипломатиясининг фундаментал принциплари, бош мақсадлари, асосий вазифалари ва устувор

йўналишларини, шунингдек, уни амалга ошириш механизмларини белгилаб берувчи янгиланган Мамлакат ташқи сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Мамлакат ташқи сиёсатини диверсификация қилиш, янги истиқболли ҳамкорлар ва дипломатия йўналишларини излаш зарур. Ўзбек дипломатиясининг кейинги йилларда Шарқ ва Жанубга мўлжалланган стратегик бурилиши ўзгариб бораётган дунё воқеликлари ҳамда мамлакатнинг миллий манфаатларига тўла мос келади.

Марказий Осиёда фаол минтақавий сиёсатни изчил давом эттириш, МДХ маконидаги анъанавий ҳамкорлар ва етакчи саноати ривожланган мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳимлигини шубҳа остига қўймасдан, айти пайтда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар тизимидаги ўрнига нисбатан янги қараш, янги ёндашувлар ишлаб чиқиш вақти келди. Биз дунёнинг кўп қиррали Шарқи ва Жануби билан ҳамкорлик қилишни ўрганишимиз зарур. Гап, авваламбор, Шимолий Африкани ўз ичига олган Катта Яқин Шарқ, шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё ҳақида кетмоқда. Ўзбекистоннинг Қўшилмаслик ҳаракати доирасидаги сиёсий-дипломатик фаолияти фаоллашгани ҳам мамлакатимиз миллий манфаатларига жавоб беради.

Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда. Бунда гап нафақат минтақада эришилган ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлаш, балки ўсиб бораётган глобал ноаниқликдан келиб чиқиб юз бераётган хавф-хатарларга жавоб бериш ҳақида бормоқда.

Агар ўтган йилларда асосий эътибор минтақа давлатлари билан ўзаро муносабатларимизни том маънода тиклашга қаратилган бўлса, келгуси даврда барқарорлик ва хавфсизлик асосий йўналишга айланади. Минтақавий ҳамкорликни босқичма-босқич институционаллаштириш истиқболли ҳисобланади.

Ҳозирги замон шароитида Ўзбекистон-Қозоғистон стратегик ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

* * * * *

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Мурोजаатномаси жамиятимиз ҳаётида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган ҳодиса бўлди.

Йилнинг бош ҳужжатида мамлакатимиз ривожланишининг стратегияси, давлатимиздаги мураккаб жараёнларга оид чуқур таҳлилга асосланган, айтиш мумкин, юксак идрок қуввати бўлган мулоҳазалар билдирилди ва дадил таклифлар илгари сурилди. Юртбошимиз нутқи бугунги кунимизни, авж олаётган жараёнларни англаш, эришилган натижаларни ҳолисона баҳолаш ва шу билан бирга келажакда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни аниқлаш учун ниҳоятда муҳим ҳужжатдир.

Шак-шубҳасиз, бугунги кунда мустақил фуқаролик позициясига эга бўлган ҳар бир шахс, у раҳбар, оддий ходим бўладими, истисносиз, мамлакат тақдири ҳақида қайғурар экан, Мурोजаатномада баён этилган фикр-мулоҳазаларни чуқур, шошилмасдан, қўлига қалам олиб, таҳлил қилмоғи лозим. Ҳар биримиз унда илгари сурилган ғоялардан келиб чиқиб, ўз дунёқарашимизни қайта кўриб, ўз муносабатимизни ва вазифаларимизни белгилаб олишимиз лозим.